турушли хамир тайёрланади. Уига хамиртурушлн хамир, намакоб цушиб хамир корилади. Цорилган хамир махсус **идпшларга** солиниб, икки соатга якин этилтирилади. Бунда харорат 32—35°C булиши лозим. Тайёр хамир кесиш машинасига узатилади, кесилган хамир мой суркалган **^**олииларга солиниб, махсус транс-иортёрнн 40 минутча юргизиб этилтирилади. Бунда хамир **колті** хажмича купчнйди. Цолипдаги хамир печка ичида 50 минут, 220—280°C х^аР⁰Р^атда пиширилади. Пишган нон транспортёрда тахлаш столнга юборилади.

100 кг ундан нон тайёрлашда 0,5—2,5% хамиртуруш, 1'-Ц% туз ва 50—70% сув сарфланади.

Пишган нон огнрлигинпнг хамир ошрлигига ипсбатан камайиши хамирнинг намлигига, ноннинг шакли ва улчамларига Хамда нон пишириш режимига ва давомийлигига караб 6% дан 14% гача узгаради.

100 кг ун ва шу микдордаги унга керакклп ёрдамчи масалликлардан тайёрланган, фоизда ифодаланган нон массасига *нон чичиши* деб юритилади. Нон чикиши уннинг намлигига, турига, нон ёпиш курсатмасига, технологиясига ва боища омилларга богли[^]. Шу сабабли нон чикиши 100 килограмм жавдар ундан 148—165 %, жавдар ва бугдой аралашмасидан 133—160 %, бугдой ундан 130—157% гача узгариши мумкин.

Ноннинг сифати давлат стандарти буйича аникланади. Хар бир нон тури узининг ташки куриниши, таъми ва х^иД^{ига} эга булиши лозим. Бундан тапщари нон магзининг намлиги, говаклиги ва кислоталилиги каби физик ва химиявий хоссалари аникланади. Нои магзининг намлиги жавдар ундан тайёрланган нонда 48—51 %, в?кайдари бугдой ундан килАган нонда 48% дан кам булмаслиги, сортли бугдой ундан г;ияинган нонда 43—45% булиши талаб килинадн.

ф

Ноннинг кислоталилиги Нейман градуси (°Н) ёрдамида ифодалаиадп. Ноннннг кислоталилиги олий ва биринчи сортли бугдой ундан к;илинган нонда — 3, иккинчи сорт ундан килипгаи нонда — 4, бугдой-жавдар аралашмасидан тайёрланган нонда — И, жавдар ундан тайёрланган нонда эса 12 градус булиши лозим.

Нонда турли хил касалликлар белгиси, бегона аралашмалар булиши рухсат этилмайди. Бугдой нонининг говаклиги 60—75%, жавдарники эса 46—60% булиши керак.

Контр ол саволлар

1. Дондан ун олиш технологияси, ун чикиши ва сортлари.
2. Уннинг сифат курсаткичлари ва уни саклаш хусусиятлари.[^]
3. Дондан ёрма олиш ва унпнг турлари. Ёрманинг сифат курсаткичлари ва уни саклаш.
4. Нон пишириш технологияси хакида нималарни билами.-"

III бўлим. МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САЦЛАШ ВА КАЙТА ИШЛАШ

7-6 о 6. МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САЦЛАШ

Мева ва сабзавотлар йилнинг маълум бир даврида етиштирилади ва инсоннинг озиqlаниши учун зарур булган бир қатор моддалар — витаминлар, минерал тузлар, углеводлар, органик кислоталар ва бошқаларнинг асосий манбаи х^{нс}бланади.

Мева ва сабзавотларни сацлашдаги асосий вазифа уларнинг физикавий ва химиявий таркибини, яъни ташқи қуриниши, ранги, мазаси ҳамда озиц-овцатлик қийматн ва бошқа хусусиятларини сацлаб қолишдан иборат. Шу сабаблн мева ва сабзавотларни сацлаш ва қайта ишлашни тугри ва илмий асосда ташкил қилиш аҳолини йил мобайнида ушбу махсулотлар билан таъминлаш муаммосини хал қилади.

Мева ва сабзавотларни сацлашда буладиган биологик ва физиологик жараёнларни чуқур урганиш ва бу борада аниқ фикрга эга булиш махсулотларни сифатли қилиб сацлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мева ва сабзавотларнинг сифатли сацланиши учун сацлаш мобайнида уларда қандай жараёнлар боришини ва бу жараёнларнинг боришига ташқи муҳитнинг қайси омиллари таъсир қилишини билиш зарур.

Мева ва сабзавотларни сацлашда улар вазнининг табиий равишда тушишини атиги бир фоизга камайтириш махсулотни ун минг тонналаб қупайтиришга олиб келади. Шунинг учун мутахассислар мева ва сабзавотларни сацлашга эътиборни қучайтиришлари ва бу билан боғлиқ булган барча масалаларни чуқур урганишлари лозим.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САЦЛАШНИНГ БИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мева ва сабзавотларни маълум вақт давомида сифатини пайсайтермасдан ва оғирлигини минимал даражада йуқотиб сацланиш хусусияти уларнинг сацлашга чидамлилигини белгилайди. Мева ва сабзавотларнинг микроорганизмлар билан зарарланишига қаршилик қурсатиш хусусияти уларнинг *иммунитетлиги* деб юритилади. Бу иккала хусусият бир-бирига чам-

барчас боғлиқ булиб, сацлашга чидамсиз булган махсулотлар одатда микроорганизмлар билан тезда зарарланади.

Махсулотларнинг сацлашга чидамлиги уларни цулай шароитда сацлаш муддати билан аницланади. Мева ва **сабзавотлар**ни сацлашга чидамлигини маълум зона ва фаслда хамда агротехник, техиологик режимда намоён булиши *сацланувчанлик* деб аталади. Сацланувчанлик одатда сацлаш даврида **махсулот**ларни йуцотиш огирлигини фоизларда хисобланган мицдори билан белгиланади.

Умуман олганда мева ва сабзавотларнинг сацлашга чидамлиги уларнинг табиий хусусиятидир. Шунинг учун бир -навнинг узи хар хил шароитда турлича сацланиши мумкин.

Мева ва сабзавотларнинг сацлашга чидамлиги куп омилларга боғлиқ. Агар битта нав доирасидаги меваларнинг каттакичлиги, тигизлиги пустининг цалинлиги, шакли ва иустининг бутунлиги, ранги хамда бошца курсаткичлари маълум нав учун хос булса, бундай мевалар яхши сацланади. Меваларнинг узига хос хусусиятлардан чекланиши уларнинг сацланувчанлигини на-сайтирадн.

Мева ва сабзавотлар х^осили йигиштириб олинганидан кейинги биологик хоссаларига кура сацлашга чидамлигини белгилайдиган асосий хусусиятларига цараб уч гурухга булинади: картошка ва икки йиллик сабзавотлар; мевалар ва мевали сабзавотлар, кукатлар, резавор мевалар ва данакли меваларнинг купгина цисми.

Картошка ва икки йиллик сабзавотларнинг сацлашга чидамлиги уларда кечадиган физиологик тиним даврига боғлиқ. Махсулотларнинг физиологик тиним даври фаслшиг ноцулай шароитга мослашиш булиб, филогенез жараёнида генетик мустахкам танган хоссаси хисобланади. 8у давр экинларнинг турига, навига, усиш ва сацланиш шароитдарига чамбарчас боғлиқ булиб, бир ойдан уч ойгача давом этади. Физиологик тиним даври механизм хУ^{жа}йраларнинг узига хос узгаришига ва моддалар алмашинувига боғлиқ булади. Масалан, картошка ва пиёзларда физиологик тиним даври анча узоц булиб, бунда усув нуцталари хатто цулай шароитда хам уйгонмайди. Илдизмевалар ва карам эса цулай шароитда кузда хам ривожлана бошлайди.

Физиологик тиним даврида махсулотларнинг табиий йуцотилиши жуда кам булиб, сифати эса деярли узгармайди.

Усув нуцталари уйғониб уса бошлагандан кейин (одатда бахор даврида) уни тухтатиш махсулотларнинг физиологик бузилишига олиб келади, натижада табиий йуцотиш мицдори купаеди Хамда унинг сифати бузила бошгайди.

Шу билан бирга, шуни унутмаслик лозимки, усув нуцталарининг усиш ва ривожланишга тайёрланиши тинч х^{олат}?р давом этади ва бу билан боғлиқ барча жараёнлар секинлик билан давом этади. Худди шу жараёнларнинг давомийлиги ва мохияти махсулот турининг биологик хусусиятларини белгилайди.

Сацлашга чидамли навлар усув нуцталарининг табацаланши

саклаш даврида тугайди. Усув нукталари табақаланишнинг анатомии куриниши куйидаги расмда курсатилган (21-расм).

Физиологик тиним даврида нафас олиш тезлиги ва ферментларнинг активлиги суст булиб туради. Усув нукталарининг табақаланши ва тиним даврининг тугаши билан физиологик жараёнлар жадаллашади. Масалан, тиним даврида харорат 4°C булганидэ картошка туганакларн килограми соатига 3—6 мг карбонат ангидрид гази чи^аради, бу давр тамом булиши билан туганаклар уса бошлаганда нафас олиш тезлиги уч-беш баравар ошади.


Физиологик тиним даврида углеводларнинг харакати ва бир шаклдан иккинчи шаклга утиши сустлашади. Лекин усув нуцталарининг таба^алапшни билан модда алмашинуви тезлашади ва усув нуцталарп томон бпологик синтез махсулотлари харакат цила бошлайди.

Мева ва сабзавотларнинг сауяинга чидамлилиги уларни йигиштирилгандан кейинги етилиш даврининг давомийлигига боглик. Мевалар йигиштирилгандан сунг уларда буладиган физиологик ва биохимик жараёнлар натижасида уруги, куртаги ва мева магзининг тула шаклланишини йигиштирилгандан кейинги етилиши деб юритилади. Йигиштирилгандан кейинги етилиш даврининг давомийлиги билан меваларнинг сацланиш муддати аникланади. Етилиш даври ^анча узоц давом этса, уни саклаш муддати хам шунча узоц булади.

Мева ва сабзавотларнинг етилиш даври х^аР хил, яъни бир иеча кундан бир йилгача ва ундан ортиц. Эртапишар меваларнинг етилиш даври одатда дарахтда ва йигиштириш мобайнида кечади, кузги мевалар бир неча ой ва цишкилари эса купроц муддатда етилиш даврини утайди. Одатда бехи, нок ва кечки олмалар сацлаш ва^тида яхши етилади. Лекин хамма мевалар хам терилгандан кейин етилавермайди, шу сабабли уларнинг хаммасини иишмасдан олдин териб саклаш ярамайди. Масалаи, кулуинай, гилос, урик ва олхурининг айрим навлари саклаш ва^тида етилмайди, шафтолн ва узум одатда ёмон етилади.


Етилиш даври фа^ат меваларнинг айрим турларида эмас, балки ^хрим навларида х^{ам} турличадир. Масалан, эртапишар олма кузги олмага Караганда, кузгиси эса кишкисига Караганда тез етилади.

Етилиш даври тугагандан кейинги узгаришлар меваларнинг сифатини ва унинг са^ланувчанлигини кескпн пасайтиради. Ети-



21-расм. Усув нукталарининг табақалаштирилмаган (чапда) ва нормал таба^алаштирилган (унгда) курини-

1 — карам; 2 — сабзи;
3 — картошка.



22-расм. Меваларнинг етилиши даврида карбонат ангидрид газининг ажралиш жадаллиги.

лиш даврини бошқариш учун уларда қандай жараёнлар бориши-ни ва бу жараёнларнинг боришига таъсири муҳим бўлиши аниқлаштирилади. Бу жараёнларнинг боришига таъсири муҳим бўлиши аниқлаштирилади.

Янги узиб келтирилган меваларнинг етилиши мобайнида нафас олиш тезлашади. Бу даврни климактерий давр деб юритилади. Климактерий даврдан кейин етилиш даври тугайди ва кейинги давр — қариш ёки пишиб ўтиш даври бошланади.

Эртапишар мевалар сақланган ҳолда уларда қимматли озиқ ва таъм берувчи моддалар тузилаётганда, аксинча, парчаланаяди. Кечки ва қишк мевалар узилгандадан кейин маълум вақтгача юқорида курсатилган моддалар тупланади, сунгра парчаланаяди бошланади. Мевалар етла борган сари улар таркибидаги шакарнинг миқдори ортади, кислота ва ошловчи моддалар камайиб боради. Бундан ташқари, хушбуй моддаларнинг тупланиши кучаяди. Шакар асосан мевалар таркибидаги крахмалнинг гидролизланиши, глюкозид, пектин ва гемицеллюлозаларнинг парчаланishi дисобига кўпаяди.

Етилиш даврида сахароза билан монасахаридларнинг нисбати ўзгариб туради: сақлаш даврида фруктоза миқдори ошади, глюкоза ва сахароза миқдори камайди. Мевалар пишиб ўтиб кетса, уларнинг нафас олиши хисобига шакар миқдори камайиб кетади. Меваларнинг ширинлигини фруктоза миқдори белгилайди, гарчанд сахароза ва глюкоза миқдори фруктозаникига қараганда кўп бўлса-да, мева унча ширин бўлмайди.

Меваларни сақлаш вақтида улар таркибидаги кислоталар шакарга нисбатан тез парчаланаяди, шу сабабли шакар ва кислоталарнинг нисбати ўзгаради. Сақланиш даврининг охирига бориб

мевалар анча ширин, сунгра эса кислоталарни йукотиши натижасида бемаза булиб қолади.

Пектин моддалар мевалар сакланиши мобайнида иарчаланиб эрувчан иектинлар \^осил\ цилади ва бу меваларнинг гомшокланишига олиб келади. Меваларнинг юмшокланиши меванинг урта қисмидан иернферияси (ташки қисмига) томон боради. Пектин моддаларининг парчаланиши натижасида меваларни қорайтириб юборадиган метил спирти ҳосил булади. Одатда узумлар сулиганда пектин моддалар тупланади.

Меваларни саклаш даврида ошловчи моддалар қамайиб, хушбуй моддалар эса ферментлар таъсирида боиша моддаларга айланиб кетади (оксидланади).

Бу даврда мевалар таркибидаги азотли моддалар, витаминлар микдори қамаяди. Эртапишар мевалар таркибидаги витаминлар кечпишар мевалардагига Қараганда тез йуқолади. Меваларни саклашда ҳарорат ва ҳавонинг айланиши юқори булганда витаминларнинг қамайиши активлашади.

Шуьдай қилиб, меваларнинг етилиш даврида гидролитик жараёнлар синтетик жараёнлардан устун келади.

Қуқат сабзавотлар, резавор мевалар ва бир қатор данакли меваларнинг садлашга қидамлилиги уиқа говори эмас. Бу эса барг шапалоги жуда қатта булганлиги, туқималардаги сув тез парчаланиши, қопловчи туқималар юш^а булиши ва хужайралар таркибидаи сув осон ажралиши туфайлидир. Қуқат сабзавотларни саклаш учун ^улай шароитда ҳам сутқасига нафас олиш жараёни 1—1,5 фоизни ташқил қилади. Бироз са^ланган баъзи резавор ва даиаклп мевалар қораниб суви оқа бошлади. Натижада уларнинг сифати бузилиб, ярқосиз х^одга тушиб ^олади. Шу сабабли иложи борича бундай меваларни саклаш шароити яхшиланиб, уларда сувнинг бугланишига ва нафас олишнинг секнланишига қаратилган тақбирлар қурилиши лозим. Сувнинг бугланишини туқтатиш ва меваларни сулитмасдан саклаш учун мева-сабзавот омборидаги намликни ошириш ва х^р^р^атни па^ сайтириш лозим.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛИТҚИДЛИГИ УЗГАРИШИ

Мева ва сабзавотларни саклаш жараёнида уларнинг физик хоссаларини билиш, саклашда бу хоссалардан илмпй асосда фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Мева ва сабзавотларнинг физик хоссалари уларни йигиб-териб олишда, ташишда ҳамда саклашда қатта аҳамиятга эга.

Мева ва сабзавотларнинг физик хоссаларига уларнинг сув бугланиши, терлаш, иссиқлик хоссалари, механик пшшклиги, туқилувчанлиги, уз-узидан сортларга ажралиши, говаклиги ва бошқалар қиради-

Саклаш жараёнида маҳсулотлар суви қуп мивдорда бугла-

тади, терлайди ва натижада сулиб қолади. Бугланпш миқдори меванинг тури, нави, морфологияси тузилиши ҳамда унинг химиявий таркибига боғлиқ. Пусти юнца, пустининг мум гўбори сидирилиб кетган, хужайра таркибида оқсил ва коллоид моддалар кам бўлган, сувни сақлаб қолиш хусусияти паст бўлган мева ва сабзавотлар сувни тез буглатади ва сулийди. Сулиган мевалар тез бузилади ва узоқ сақланмайди.

Давоининг ҳарорати баланд, намлиги паст бўлиб, унинг омбордаги ҳарорати тез бўлса, бугланпш тезлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Майда мевалар йирик меваларга Караганда нисбатан сувни тез йуқотади.

**33. Мева, сабзавот ва картошка нам йиқотилишининг йул қўйиладиган меъёрлари
(И. Л. Волкин маълумоти)**

Маҳсулотлар	Сақлаш муддати, ой	Нам йиқотилиши				
		сақлаш даври моб айнида		уртача 1 ой мобайнида		поцу-лай бир ой мобайнида
		кг/г	%	кг/т	«	%
Картошка	9	51,0	5,10	5,70	0,57	0,75
Лавлаги	10	61,5	6,15	6,15	0,62	1,14
Сабзи, шолғом	10	79,5	7,95	7,95	0,80	1,65
Карам	9	96,0	9,60	10,67	1,07	2,48
Пилёз	12	77,3	7,73	6,44	0,64	1,28
Саримсоқ	12	99,8	9,98	8,31	0,83	2,25
Олма (цишки)	10	39,0	3,90	0,39	0,39	0,75
Нок (цишки)	9	52,0	5,20	5,78	0,58	1,50
Узум	7	30,0	3,00	4,29	0,43	0,60
Бугланпш тезлиги мевадаги сувни/Миқдорига ҳам боғлиқ.						

Агар мева теришдан олдин сугорилса/терилган мевалар серсув бўлиб, сақлаш даврининг бошида таркибидаги сувни тез буглатиб сулиб қолади. Купинча уларда аччиқ могор ҳосил бўлади, данакли меваларнинг даидаги ёрилб кетади. Терилишидан олдин узоқ вақт сув ичмаган мевалар ҳам сақлаш вақтида сувни тез буглатади ва сулиб қолади.

Бугланиш меваларда сувнинг тақсимланишига ҳам боғлиқ. Масалан, нокда сувнинг куп қисми хужайра ораллида жойлашган бўлади, шу сабабли у сувни тез буглатади.

Мевалар сақланишининг дастлабки кунларида сувни жуда тез буглатади, бунда мевалар таркибидаги эркин сувдан халос бўлади. Сунгра бугланиш пасаяди, мева етилиши билан бугланпш кучаяди.

Мева ва сабзавотлар идишга жойлашган ёки тукма холда цилиб ва устидан ҳаво утишп учун очиқ жой қолдирилмай жойланганда улар терлай бошлайди. Яшиқ ёки уюм уртасидаги Ҳарорат, одатда омбор ҳароратидан юқори бўлади. Шу сабабли юқори цаватдаги ёки ён томондаги мевалар терлайди. Бунда улар

34. Сабзавотлардан уртача сув бугланиш тезлиги, суткада г/т
(Е. П. Широков, В. И. Полегаев маълумоти)

Сабзавотлар	Саклаш даври		
	кузда	қишда	ба.чорда
Лавлаги	650	280	480
Сабзи	550	270	480
Пиёз	480	210	420
Карам	800	630	700
Картошка	290	170	290

тез бузилади. Уларнинг сиртидаги намлик микроорганизмларнинг ривожланишига цулай шароит тугдиради.

Мева ва сабзавотларни саклаш учун сунъий усулда — совутгичларда ва табиий усулда вентиляция — ташки хаво ёрдамида музлатилади. Мева ва сабзавотларнинг музлаши —0,5 дан — 3°С гача юз беради. Меваларнинг музлаш харорати улар таркибидаги сувнинг миқдорига боғлиқ.

Мевалар қанчалик тез совитилса зарарли микроорганизмларнинг ривожланиши ва биохимиявий жараёнлар секинлашади, натижада махсулотнинг сақланиш муддати узаяди ва нобудгарчилик камаяди. Музлатишда мева ва сабзавотлар таркибидаги сув турли муддатларда музлайди. Аввало эркин сув, яъни хтжапра оралигидаги сув, кейин эса хужайра таркибидаги сув музлайди. Кичик идишлардаги ва тукма қилиб жойланган мевалар, ҳамми кичик мевалар одатда тез музлайди.

Купинча қаттиқ музлатиш натижасида, хужайраларнинг сувсизлашиб қолиши, оцсиллар ва плазманинг ҳамда бошқа коллоид моддаларнинг қайтарилмайдиган коагуляцияси натижасида мевалар нобуд бўлади. Механик шикастланган мевалар уларнинг совутидан нобуд бўлишини кучайтиради.

Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик хоссалари ҳам уларни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Улар иссиқликни ва ҳароратни ёмон утқизиши билан характерланади. Шу сабабли $x^{ам}D^a$ говақлиги катта бўлганлиги учун улар жуда секинлик билан совийди ва исийди-

Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик ва ҳарорат утқазувчанлиги ёмон бўлганлиги учун омборларда уз-узидан қизиш жараёни "аидо" бўлади ва натижада сақланаётган махсулотнинг бир қисми йуқотилади.

Омборлардаги хавонинг харорати, намлиги мева ва сабзавотларни сақлашда уларнинг иссиқлик ажратиш қисқариш тезлигига боғлиқ. Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик ажратиш қисқариш $x^{Усусиятн}$ нафас олиш тезлигига боғлиқ, у ажралиб қолмайдиган Карбонат ангидрид миқдорига қараб ҳисоб қилинади.

**35. Мева ва сабзавотларнинг турли хил хароратда уртача
иссиклик ажратиб чиқариш тезлиги, суткада ккал/т**

Мева ва сабзавотлар	Харорат, °C					
	0	2	5	10	15	20
Олма (кечки)	220	290	430	650	1200	150
Олма (эртаги)	380	430	650	1200	1900	2500
Нок (кечки)	220	450	840	1150	2600	4500
Нок (эртаги)	400	550	950	1300	3300	5700
Узум	200	360	500	750	1000	1600
Шафтоли	380	460	850	1900	2700	3800
Олхури	420	700	1300	2200	3800	4500
Сабзи	390	5700	690	730	1750	2300
Лавлаги	320	440	670	1150	1900	3520
Пиёз (боши)	1580	2060	3100	4400	5080	6300
Карам	400	480	650	920	1420	2400
Саримсоқ	450	650	950	1400	2600	3200
Картошка	380	360	320	500	570	700

Мева ва сабзавотларнинг таркибида сув куп булганлиги сабабли уларнинг иссиклик сигимп баланд. Одатда мева ва сабзавотларнинг иссиклик сигиминц хисоблашда ундаги сувнинг микдори хисобга олинади. Масалан, помидорнинг таркибида 86% сув булса, унинг иссиклик сигимп 860 ккал/т °C га тенг булади.

Мева ва сабзавотларнинг иссиклик сигимини ва ундан ажралиб чиқкаи иссиклик микдорини билгаи холда омбордаги махсулотнинг зицрорати канчалик ошганлиги хисоблаш мумкин. Масалан, картошка сакланадиган омборжцсгшлик ажралиб Чцциши 15°C да суткасга 570 ккал/т га-тенг булади. Иссиклик сизами эса агар туганагда 85% сув булса, 850 ккал/т °C булади. Бунда картошка уюмида хароратшиг ошиши суткасга $570:850 = 0,67$ °Cни ташкил килади.

Мева ва сабзавотлар хароратини ошини аниклаш оркали биз цаиси вацтда шамоллатиш зарурлигини билишимиз мумкин. Акс холда хароратиши ошиши иссиклик ажралиб чиқкши ва нафас олиш жараёни тезлаштиради. Окибатда уз-уздан киши жараёни авж олиб кетади. Шу билан бирга, бунда микроорганизмларнинг ривожланиши хам тезлашади.

Мева ва сабзавотлари омборларга жойлаштиришда уларнинг механик шшпшлиги асосий курсаткич хисобланади.

Мева ва сабзавотларнинг механик шшнцлиги деганда уларнинг бир см² ига таъсир курсатганда солиштирма царшнлиги тушупиладц ва кг/см² билан улчанади. Мева ва сабзавотларнинг солпштрма каршпллгп уларнинг бир цатор хоссаларига, структурасининг шшпшлигига, каттиклигига, огирлигига ва улчамларига богли. Масалан, картошканинг солиштирма ^аршилигп 17 дан 25 кг/см² гача буладн.

Тукилувчанлик хусуспяти хам мева ва сабзавотлари сац-

лашда маълум ахамият касб этади. Улар турли хил шаклда ва улчамда булганлиги учун уларнинг тукилувчанлиги наст булади.

Картошка ва бошқа сабзавотларни уюм килиб сацлашда уларнинг табиий киялиги $40\text{—}45^\circ$ оралнигида булади. Омборларга жойлашда бурчагийнги киялиги $40\text{—}50^\circ$ дан ортиц булгандагина улар сирпаниб тушади. Одатда мева ва сабзавотларни бир жойдан иккинчи жойга кучиришда транспорт ленталарининг нишаблик бурчагини сирианшн бурчагидан кичик килиб жойлаштирилиши лозим.

Мева ва сабзавот омборларни механизм ёрдамида тулдпришда уз-узидан сараланиш кузатилади. Бунда махсулотнинг катталари уюмнинг уртасига, кичик улчамдагилари эса уюм атрофига тудаланади. Бундай тудаланиш улар орасидан хаво утиши ва уюм орасида x^{ab0} алмашинувига салбий таъсир курсатади.

Махсулотларни уз-узидан сараланишининг олдинн олиш учун уларни улчамларига цараб сортларга ажратиш ва калибровка утказиш мухим хисобланади. Бунда махсулотларни тупроц, цум ва бошка нфлослпклардан хам тозалаш лозим.

Саклаш давомида махсулотлар орасида хавоннинг алмашинуви уларнинг говаклигига боглиц. Мева ва сабзавотларнинг 1 м^3 уюмидаш тешикларнинг мицдори уларнинг говаклиги деб юригилади. Одатда говаклик 30 дан 50 фоизгача булади.

Уюм орасида хаво алмашинишда махсулотлар орасидаги тешикларнинг улчами хам катта ахамият касб этади. Масалан, картошка билан бугдойнинг говаклиги бир хил, яъни 40% га якин. «Пекин картошка уюми орасида хавоннинг алмашинуви бугдойникига цараганда анча енгил.

Уз-узидан сараланиш ходисаси туфайли мева ва сабзавотлар уюмининг турли кисмларида говаклик турлича булади.

Мева ва сабзавотларнинг говаклиги уларнинг улчамларига боглиц. Масалан, лавлагнишг говаклиги 50—55, сабзиинки 51—53, картошканики эса 37—55% булади.

Шундай килиб, мева ва сабзавотларнинг бир цатор физик хоссаларини куриб чицдик. Уларнинг шшшдисини махсулотнинг иссицлик ва физик системасини ташкил цилади. Бунда x^{ab0} хароратининг ошиши ва махсулотнинг намланиши кузатилади. Шу сабабли махсулотни сацлашдаги асосий вазифа унинг уз-узидан цизиб кетиши ва терлашининг олдини оладиган хамма чора-тадбирларни куриш хисобланади. Бунда омборларни сунъий совитиш, актив шамоллатиш ва махсулотни идишларга солиб саклаш тадбирларни мухим ахамиятга эга.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САЦЛАШДА РУН БЕРАДИГАН ФИЗИОЛОГИК ВА МИКРОБИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Мева ва сабзавотларни сацлашдаги энг мухим физиологик жараён— нафас олиш хисобланади. Нафас олиш натижасида махсулотлар таркибидаги углевод, кислота, мой, ошловчн моддалар

оксидланади, бу моддалар охирги махсулот — сув ва **карбонат** ангидридга иарчаланади, бунда маълум микдорда энергия ажралиб чицади-

Мева ва сабзавотларнинг нафас олишнда 180 г углевод парчаланishi натижасида 2824 кЖ иссщлик ажралиб чицади. Бунда мева ва сабзавотларнинг туцималари кизиб кетади ва уз-узидан кизиш жараёни бошланади.

Етилиш даврида меваларнинг нафас олиши тезлашади ва ис-теъмол килишга ярайдиган даражада етилганда энг юкори натижага эришади. Сунгра нафас олиш пасаяди, бу эса меванинг пиппгб утиб кетганлигидаи дарак беради. Нафас олиш тезлиги Харорат пасайиши билан сустлашади. Агар махсулотлар музлаган, лекин таркибидаги сувнинг хаммаси яхламаган булса, улар нафас олишни давом эттиради.

36. Саклаш даврида мева ва сабзавотларнинг карбонат ангидрид ажратиб чикариш мицдори
(В. И. Полегаев маълумоти)

Махсулот Тури	Харорат, °С	Ажралган СО ₂ , суткасига г/т	Махсулот тури	Харорат, °С	Ажралган СО ₂ , суткасига г/т
Карам	0	80—150	Олма	—	100—150
Гулкарам	0—1	320	Нок	о	100
Сабзи	1	300—400	Узум	о	60—80
Картошка	6	100	Шафтоли	о	140—160
Барра пиёз	1	300	Олхури	о	150
			Олча	о	150—180
			КулуЙай	о	300—400

Нафас олиш меъёрн баланд булган махсулотларни совитиш хам кипин кучади. Нафас олиш жараёни иссиклик ажралиб чи-киши билан чамбарчас боглик. Механик шпкастланган ва ка-саллик хамда зараркунандалар билан зарарланган мах.сулотларда нафас олиш жараёни анча тезлашади. Меваларнинг говори кават-ларн ички каватларига нисбатан жадал нафас олади.

Нафас олиш жараёни мева ва сабзавотларнинг табиий хоссаси булиб, одатда узок саклана олмайдиган махсулотларнинг даст-лабки нафас олиши тез, сунгра эса сустлашади, узоц муддатга са^ланадиган махсулотларнинг нафас олиши бир меъёрда да-вом этади. Нафас олиш жараёида курук модда сарфланади ва уларнинг огирлиги камаяди. Саклапга унча чидамли булмаган меваларнинг табиий камайиши саклашга чидамли меваларники-га нисбатан кун булади. Саклаш режимни бошкарпб, мевалар-нинг табиий камайиши даражасини иасайтириш мумкин.

Мева ва сабзавотларнинг уз-узидан кизиши. Мева ва сабза-вотлар барча тавсияларга амал килиб сагуганса-да, уларнинг

харорати баланд булиб туради. Махсулот х^ароратини омборларни тамоллатиб ҳам тушириб булмайди.

Махсулотни сацлашда х^аР^оР^ат^шг^г метаболит иссицик хисобига кутарилиши уз-узидан цизишга олиб келади. Купгина холларда уз-узидан кизишда харорат 1—2°С га кутарилади. Хароратнинг бироз кутарилиши ҳам махсулотнинг сифатига салбий таъсир курсатади.

Мева ва сабзавотларнинг хароратини пасайтиришда омборнинг шамоллатиш юзаси катта ахамиятга эга. Мева-сабзавот омборнинг х^амм^а томонидан шамоллатиш системаси урнатилган лапша уз-узидан цизишнинг олдини олиш мумкин.

Мева ва сабзавотларда нормал физиологик жараёнларнинг бузилиши бир цатор физиологик касалликларни келтириб чицаради. Мева ва сабзавотларнинг шишиши, сулиши, уларнинг цорайиши, этининг кучли куйиб кетиши, узагининг цунгир тусга кириши ва уларнинг тулишиши каби физиологик касалликлар учрайди.

•'и. Сабзавот ва меваларнинг уз-узидан цизиш коэффициенти

Махсулот тури	Харорат, °С		Махсулот тури	Харорат, °С	
	10	20		10	20
Пиёз	1,5	1,7	Кук нухат	18,8	21,6
Карам	2,0	2,4	Узум	3,6	7,2
Помидор	2,3	4,0	Нок	3,8	11,2
Лавлаги	2,7	3,1	Олхури	4,3	7,7
Сабзи	3,6	7,5	Гилос	5,3	11,2
Сельдерей	4,0	6,1	Шафтоли	5,6	9,8
Бодринг	4,6	8,5	Кулупнай	7,9	11,3
Чучук калампир	5,1	5,7	Апельсин	1,5	1,8
Тулбарам	8,7	13,4	Лимон	1,6	1,8
Исмаио [^]	14,5	31,3	Ковун	3,5	6,7

Шиш касали билан касалланган меваларнинг эти цуруц, крахмалли ва меваларнинг х^аж^ми^эса бир оз катталашган булади. Айрим пайтлари меваларнинг пусти ёрилиб, ташцарига цайрилади ва эти очилиб цолади. Шиш меванинг ташци томонидан ичкарига цараб тарцалади. Бунда унинг ранги узгармайди. Бу касаллик кунинча олма ва нокларда, айницса эскирган меваларда куц учрайди.

Сулиш, асосан олма, нок ва узумга хосдир. Одатда хом, пишиб утиб кетган мевалар тез сулиб цолади. Механик шикастланган, музлатилган ва касалланган мевалар х^ам сулишга мойил булади.

Меваларнинг цорайиш касаллиги олма, узум ва нокларнинг пустида пайдо булади. Меваларнинг пустини озицлантириб тутилган иайлар боглами нобуд булиш натижасида меванинг пусти

кунгир тусга кирази. Меваларнинг корайишни офтобда куйиб жнгарранг хосмл булиши билан аралаштириш ярамайди. Офтобда куйган мевалар саклаш учун цуйилмайди.

Мевалар этининг кучли куйиб кетишига сабаб нафас олиш жараёнининг бузилиши натижасида спирт ва альдегид хосил булишидир. Бундай мевалар ачггц таъмли булади. Мевалар узгининг кунгир тусга кириши унинг таркибида карбонат кислота! нинг куп хосил булганини билдиради. Бу купинча хом узилгап меваларда кузатилади.

Шундай килиб, мева ва сабзавотлари саклашда нафас олиш ва модда алмашинувининг бузилиши бир катор физиологик бузилишларга олиб келади, бунда махсулотнинг сифати пасайиб, товарлик хусусияти йуколади.

Микробиологик жараёнлар. Мева ва сабзавотларнинг юза кисмида турли микроорганизмларнинг яшashi учун кулаи шароит булади. Улар ичида сапрофит, фитопатоген ва патоген микроорганизмлар учрайди.

Микроорганизмлар мева ва сабзавотларга тупрок, органик угит, сув, ёмгпр, хаво, касалланган хайвонлар ва одамлар, идишлар, ураш материаллар, транспорт ва асбоб-ускуналар оркали утиши мумкин-

Хул мева ва сабзавотлари микробиологик тахлилдан утказилгаида уларнинг сонни ва туршш аниклаш, шу тахлитда уларга карпит кураш олиб бориш мумкин.

А. А. Кудряшова маълумотига Караганда, мева ва сабзавотлар юза кисмининг 1 г га замбуруглардан 20 донадан $7 \cdot 10^6$ донагача, ачитци замбуруш эса $1 \cdot 10^2$ дан $3 \cdot 10^7$ гача, бактериялар $1 \cdot 10^2$ дан 10^8 гача, кислота х^{осил} цийувчп бактериялар 10 дан $5 \cdot 10^5$ га таёчасимон ичак бактери^{гурухп} 1 дан 100 донагача тугри келади.

38. Олма юзидаги микроорганизмлар сони
(А. А. Кудряшова маълумоти)

Олма	1 г олма юзида микроблар сони			
	замбуруглар	ачитцилар	бак'герпял ар	таёчасимон ичак бактериялар
Узиб олмасдан	3	8	84	0
Узиб олингандан кейин	37	$1,6 \cdot 10^{12}$	$2,1 \cdot 10^2$	1

Купгина меваларнинг (олма, нок) юза кисмида мумсимон цават мавжуд. Шу сабабли микроорганизмларнинг озикланишн кийинлашади ва узплмаган мевалар юза кисмида уларнинг сони кам булади. Узилгандан кейин мумсимон кават зарарланади ва микроорганизмлар сони ортади.

Меваларнинг турига караб юза кисмида микроорганизмлар

у х а р хил булади. Нокиинг юза кисмида микроорганизмлар энг куп, урик ва шафтолида камроц, олмада эса бутунлай кам учрайди. Микроорганизмлар сони меваларнинг пишиш даражасига хам боглиц. Пишиб утгаи меваларда ачитцп бактериялар куп. замбуруг ва бактериялар кам учрайди.

Меваларнинг юза кисмига царагапда сабзавотларда микроорганизмлар купрок булади. Масалан, чучук цалампир юзида бир яеча миллион микроорганизм учрайди.

Илдизмевалар юза цисмида микроорганизмлар энг кун ривожланади. Масалан, сабзи юза цисмининг 1 г да замбуруглардан $8,6 \cdot 10^3$ дан $3,0 \cdot 10^6$ гача, ачитки бактериялар $4,3 \cdot 10^4$ дан $6,1 \cdot 10^6$ гача, мезофил бактериялар $8,5 \cdot 10^5$ дан $5,5 \cdot 10^8$ гача, кислота хосил цилувчи бактериялар 2 дан $1,8 \cdot 10^3$ гача, бошца бактериялар Ю дан $4,2 \cdot 10^4$ гача учрайди.

Микроорганизмлар сони етиштириш шаронти, йигиб-териб олиш муддати ва навнинг хусусиятларига цараб узгаради. Уларнинг мева ва сабзавотларда буладиган турлари жуда куп. Микроорганизмлар махсулот ва инсон организмига таъсир цилувчи ва таъсир курсатмайдиган гурухларга ажратилади.

Clostridium botulinum, *Starhylococcus aureus*, *Clostridium perfringens* каби микроорганизмлар турли хил за^арли моддалар синтезлайди ва натижада организмн захарлаши мумкин.

Замбуруглардан 300 га яцин тури, жумладаи *Penicillium patulum*, *P. expesum*, *P. urticae*, *P. islandicum*, *P. rugulosum*, *Aspergillus clavatus*, *A. flavus*, *A. parasitus*, *Fusarium solani*, *F. nivale*, *F. tricinetum* ва бошцалар кун учрайди. Айница табиатда *Penicillium* турнга кнрувчи замбуруглар таркибида учрайдиган атрахинон, бутенолид, охротоксин, циклопептнд, наонадрин, пирон ва бошца бир цатор за^арли моддалар инсон организм учун захарли хисобланади.

Инсон организмн *Mucor mucedo*, пенициллин турнга кнрувчи 30 га яцин замбуруглар зарарлайдп.

Мева ва сабзавотлар касалликларини келтириб чицарувчи ***Monilia fructigena*** каби фитопатоген замбуруг х^ам учрайди.

Купгина микроорганизмлар мева ва сабзавотлар солишга мулжаллангап идиш ва бошца жойлаш материалларида х^аёт кечнаради ва махсулот маълум вацтда зарарлайдн.

Мева ва сабзавот махсулотларининг микроорганизмлар билан зарарланиши турли хил омилларга боглиц. Улардан махсулотнинг биологик хусусиятлари, цишлоц хужалик ишлаб чицариш «а микробиологии характерига эга омиллар асосийлари хисобланади.

Махсулотларнинг микроорганизмлар билан захарланиши уларпийг улчамларига ва анатомик тузилишига боглиц. Одатда улчам катта ва жуда кпчнк булган мевалар микроорганизмлар билан тез зарарланади. Битта мева турли цпсмларининг микроорганизмларга чидамлилиги х^аР хил.

С. П. Андрианов ва бошцаларшг маълумотига кура, сабзи

етиштиришда фосфор ва калий элементларининг етишмаслиги уларни саклашда микроорганизмлар билан зарарланишини оширади. Шу билан бирга, минерал угитларнинг меъёрлариини ошириш x^{am} махсулотнинг микроорганизмлар билан зарарланишини оширади.

Мева ва сабзавотлариини йигиб олиш муддати хам уларнинг микроорганизмлар билан зарарланишига таъсир курсатади. Масалан, сабзи, эрта муддатда йигиб олинганда, кечки муддатда Караганда микроорганизмлар билан купрок зарарланганлиги кузатилган-

Махсулотларда микроорганизмларнинг ривожлашшда уларин саклаш режимининг хам ахамияти катта.

Микроорганизмлар зарарлаган меваларда нафас олиш тезлиги 2—3 марта ошади, шу билан бирга ферментлар активлиги узгаради ва бир катор органик кислоталар хосил булади. I ТироваРД натижада махсулотнинг ранги, таъми ва товарлик хоссалари пасаяди.

Мева ва сабзавотлариини микроорганизмлардан тозалашда уларни товиш мухимдир. Лекин купгина мева ВА сабзавотлар ювилгандан сунг микроорганизмларга чпдамсиз булиб қолади.

39. Сабзини ювиб саклашнинг микроорганизмлар билан зарарланишига таъсири, %
(А. А. Кудряшева маълумотн)

£	Сабзи	Саклаш муддати (харорат 0—1-С)	
		3 о"i	6 ой
Ювилмаган	f^{*l}	39,3	66,2
Ювилган		8,6	16,0

Асосан илдизмевалар ювилганда яхши сакланади.

Мева ва сабзавотлариини радиоактив нурлар билан нурлантирилганда улардаги микроорганизмлар кескии камайиши исботланган.

Сацлашга жойлаштирилишидаи илгари мева ва сабзавотларнинг микробиологик курсаткичлари ашцлаишп лозим. Бунда махсулотнинг сифати, унинг кайси максадда ишлатилиши, сакланиш муддати ва бошца курсаткичлари буйича объектив характеристика тузилади. Мева ва сабзавотлариини саклаш омборларида микробиологик назорат утказиш учун шарт-шароитлар яратилиши ва тегишли асбоб-ускупалар билан таъминланиши лозим.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРИИ САКЛАШДА КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУИАНДАЛАРНИИГ ТАЪСРИ

Мева ва сабзавотлариини саклаш жараёида уларнинг нобуд булишига сабаб турли хил касаллик ва зараркунандалар билан

зарарланишидир. Меваларни сацлашда уларнинг чириши, кора рак. ^{кxл} тушпш, курум замбуруг тушиши касалликлари куп учрайди.

Меваларнинг чириш касаллигини монилиз деб аталган замбуруг келтириб чицаради. Касалланган мева сиртида жигарранг дог пайдо булиб, у кейинчалик **меванинг** бутун сиртини цонлаб олади. Бунда **меванинг** эти юмшаб, **говак** булиб цолади, сиртида **допрасимон** оч **кулранг-сариц гуддалар** — **споралар** туплам хосил булади. Совуцда эса мевалар цораниб цаттиц булиб цолади.

Омборда сацланаётган мевалар купинча меваларнинг аччиц чириш касаллиги билан касалланадн. Бунда мевалар сиртида рангли, юмалоц юмшоц ботиц доглар пайдо булади. Касалликнинг дастлабки даврларида доглар мева пустининг остида булади, кейинчалик эса юзаспга чицади. Касаллик натижасида мева аччиц булиб цолади.

Данакли мевалар кукариб, чириш касали билан зарарланади. Купинча касаллик олхури ва олчада учрайди. Бунда мевалар жигарранг тусга кириб, цуриб цолади. Резавор мевалар бу касаллик билан зарарланганда уларнинг сирти цора могор билан цопланади.

Курум замбуруглар олма, нок ва цитрус меваларни касаллантиради. Бундай мевалар сиртида холсимон цора губор хосил булади.

Кора рак олма, нок ва бошца меваларни зарарлайди. Касалланган мевалар сиртида цунгир доглар пайдо булади. Касаллик **авж** олпшн билан цора доглар сони купаяди. Мева пустининг цора дог тушган жойларининг остнда куп споралар пайдо булади **ва** бошца меваларни хам тезда зарарлайди.

Сацлашдаги шароитнинг ноцулай булиши микроорганизмларнинг тез ва интенсив кунайишига имкон яратади, бу эса уз навбатида, махсулотнинг куплаб нобуд булишига олиб келади.

Сабзавотнинг оц чириш касаллигини халтачали замбуруг келтириб чицаради. Илдизмева ва карамда намланадиган доглар пайдо булади. Касалланган туцима пгаллицланади ва сабзавотлар бутунлай яроцсиз холатга келади.

Сабзавотлар кулранг чириш касаллиги билан зарарланганда чирнган илдизмева ва карамлар кулранг юмшоц губор билан цопланади. Бунда туцима шилимшицланади, чириш жуда тез тар⁴ **Цалади**. Бу касаллик билан карам ва сабзи цаттиц зарарланади. Омборга касаллик далада зарарланган сабзавотлар орцали тушади.

Сабзи цора цуруц чнрпш касаллиги билан касалланганда унинг асосан тепа цисми, камдан-кам ён ва пастки учи чирий бошлайди. Бунда цуруц цора ботиц доглар пайдо булади. Омборларга касаллик илдизмевалар орцали тушади.

Бактерияли нам чириш касаллигида сабзи учидан чирий бошлайди, зарарланган туцима чириб, цуланса х^нД^н шилимшиц

уюмга айланади. Омборларга бактериялар усимлик цолдикларидаи утади.

Сабзи куру^ чириш (фомози) касаллигида унда упчалик катта булмаган тук тусли бпроз ботик; доглар пайдо булади, тузима курпб, ёрилади ва зарарланган туцималарда и^ора нукталар пайдо булади. Бу касаллик саклаш давридаги уруглик ва усув давридаги уруглик учун жуда зарарлидир. Касаллик таркатувчи инфекциялар усимлик колдицлари, уругликда, махсулотларда ва илдизмеваларда са^ланади.

Бугиз чириш касаллиги пиёзни саклаш давридаги эНг хавфли: касаллик хисобланади- Касаллик пиёз боши бугзида ботик куринишдаги кулранг догларнинг пайдо булиши билан намоён булади. Кейинчалик касаллик бутун пиёз боши буйлаб тар^алади. Натижада и^ора рангдаги айлапа пустини х^{о с и л} килади. Пиёз 1—2 ой мобайнида бутунлай чириб кетади. Одатда омборхоиларда зарарланган пиёз боши ён томондан ёки уч кимпдап чирийди. Касаллик манбаи уруглик материаллари ва усимлик колдикларя Хисобланади.

Мева ва сабзавот са^ланадиган омборларда касалликларга 1^арши тадбирлар системаси утказилиши лозим.

Бунда омборлар махсулотлардан бушаши билан хамма турдаги цолдиклардан тозаланади ва улар кумиб ташланади. Ёзда омборлар шамоллатилиши ва цуритилиши керак. Махсулот тукишдаи бир ой илгари омбор ичи о^ланади ва дезинфекция килпнади. Омбор хлорли охак (1 л сувга 40 г охак) ёки охак сувж билан дезинфекция цилинади (10 л сувга 1—2 кг охак). Бпнода ёйиб турган олтингугурт хам булади (бинонинг 1 м³ учун 50 г олтингугурт).

Сауianaга жойлаиадигаи сабзавотлар^хам дезинфекция г^ли-нади. УруЖик учун цолдирилган сабзавотлар чиришдан саклаш учун чангланади. Бунда карам огирлигяга нисбатан 1—2% бур,, бошка сабзавотлар ТМТД препарати Филан (1 т сабзавот учун 6 кг) чангланади.

Мева ва сабзавотларнинг са^ланувчанлигига турли хил зараркунандалар — х.ашаротлар ва кемирувчилар катта зарар етказади- Далаларда зарарланган мева ва сабзавотлар сакланиш мобайнида турли хил микроорганизмлар билан жуда тез зарарланади.

Картошка, сабзи, карам, пиёз, лавлаги, саримсок каби сабзавотлар турли хил чувалчанглар билан зарарланади. Саклаш вақтида махсулотларга нематодалар уруглик материаллари, омбор цолдицлари, тупрог^, касалланган сабзавотлар, асбоб-ускуналар ва бошкалар оркали юкади. Зарарланган бир грамм махсулотда минглаб нематода учрайди. Шу билан бирга, нематодалар турли хил микроорганизмларни махсулотга утказувчи булиб хизмат килади. Нематодаларга карши комплекс кураш системасинп куллаш лозим.

Мева ва сабзавотлари омборларда турли хил каналар х^{ам}:

зарарлайди. Айниқса пиёз ва саримсоқни сақлашда капалар катта зарар келтиради.

Нарарқунандаларга қарши қурашнинг қупгина элементларни қаслликларга қарши қурашга ухшашдир.

8-6 0 0. МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Мева ва сабзавотлар турли хил усулларда сақланади. Янги мева-сабзавотлар, шунингдек уруғликлар ва картошка сақладиган ипшоот ёки биналар мева-сабзавот омбори деб юритилади. Улар муваққат ва доимий булади. Муваққат омборларга уюм, хандақ, ура ва бошчалар қиради. Доимий омборлар бир қаватли тугри бурчак шаклида ва устига ёки ердан чуқурроқ (1,5—2 м) қилиб, бетондан ёки гипсдан қурилади.

Мева-сабзавот омборлари махсулотни сақлаш усулларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Табиий усулда шамоллатиладиган омборлар.
2. Вентилятор ёрдамида ташқи ҳаво билан совитиладиган омборлар.
3. Сувиий усулда совитиладиган совутқичлар.
4. Атмосфераси бошқарилиб туриладиган совутқичлар.
5. Музхона ва музли омборлар.

Мева ва сабзавотларнинг турли-туманлиги ва уларни турли мақсадларда сақлаш, махсулот етиштириладиган регионнинг табиий шароити, ҳужалқнинг моддий техника имкоиятлари махсулот сақлашнинг турли хилда бўлишини талаб қилади. Қолаверса ҳужалиқ учун қулай усулни танлаш унинг иқтисодий қудратига боғлиқ.

Ҳужалиқда етиштирилган махсулотни сақлаш усулини танлашда муайян сақлаш усули ва теҳнологик режими албатта синиб қурилиш лозим. Бунда махсулотни сақлаш муддати ҳам ҳисобга олиниши керак. Сабзавот ва мева омборларини маълум теҳнологик режимни бошқариб туриладиган ва механизацияни кенг жорий этиш имконияти яратилган $x^{0,1}D^a$ ЧУРиш махсулотнинг сифатли сақлапишини ва побудгарчилигини қамайтиришни таъминлайди.


Ўзбекистонда қупгина махсулотлар дала шароитида сақланади. Кейинги йилларда эса ҳужалиқлар стационар омборхоналар қуришга катта аҳамият бермоқдалар.

МУВАҚҚАТ ОМБОРЛАР

Ўзбекистонда муваққат омборлар — уюм ва ҳандақларда картошка ва илдизмевалар (сабзи, шолғом, турп ва бошчалар) сақланади. Бундай омборларда сабзавотларни сақлаш энг арзон, оқдпй ва ҳаммабон усул бўлиб, қурилиш жихозлари ҳамда материаллари талаб қилмайди. Шу билан бирга, муваққат омбор-

ларда сабзавотларни сақлашнинг бир цатор камчиликлари ҳам бор. Бунда барча ишларни амалга ошириш об-лаво шароитига боғлиқ булиб, сақланадиган махсулотни назорат қилиш анча қийинлашади. Шу сабабли махсулотларнинг анча қисми нобуд бўлади.

Хандац ва уюмлар сақланадиган махсулотни ишлатиш мақсадига кура, яъни озиқ-овқатга ишлатиладиган махсулотлар а.ч.о.ли нуқтига, уруғликлар эса экиладиган далага, ем-хашак мақсадида фойдаланиладиганлари эса фермага яқин жойга жойлаштирилади. Уларни жойлаштиришда участканнинг рельефи, шамолнинг йуналиши, ер ости сувларининг жойланнш чуқурлиги ва тупроқнинг механик ҳолати ҳисобга олинади.



23-расм. Уюмларни уюмлаш майдончасига жойлаштирилиши.

Уюм ва хандацлар учун цуруц, бандроц текис булган жой танланади. Бунда ер ости сувлари уюм ва хандацдан 1 метр дан зиёд чуқурликда булиши лозим. Тупроқнинг механик таркиби цумоц булгани маъцул. Уюм ва хандац тайёрлайдиган жойнинг юза қисмида усимлик цолдицлари ва бошца органик цолдицлар булмаслиги лозим. Агар утган йилги уюм ва хандацлар жойлашган жойларда яна махсулот сақлашга тугри келса, у жойлар текисланиб 1 м² майдонга 500 г ҳисобидан сундирилмаган оҳак билан зарарензлантирилади. Сунгра ер 30—35 см чуқурликда хандацлиб, донли экинлар экилади. Экин йиғиштприлгаидан сунг, бу жойга уюм ва хандацлар ишланади.


Уюм ва хандацларнинг сизимини аницлашда махсулотнинг Хажм бирлигидаги массасини хандац ва уюмнинг фойдали хажмига купайтириш лозим. Айрим сабзавот махсулотларининг и жи массаси 40-жадвалда келтирилган.

Уюм ва хандац тайёрлашда автомашина юрадиган кенгликдаги йулаклар цолдирилади. Йулаклар хандац жуфт уюм ёки хандацлар орасидан ёки уларнинг бош қисмида цолдирилади.

Уюм ва хандацлар куз ва баҳор вацтларида цуёш нури ва

40. Айрим сабзавот турлари ва картошканинг *ажм массаси

Маъсулот турлари	Хажм массаси. кг/м
Лавлаги	550—600
Сабзи	550—600
Карам	350—400
Пиёз	500—600
Турп	500—550
шолром	400—430
Саримсо^	600—650
Бодриг	600—640
Помидор	650—700
Картошка	



91 пасм Уюм ва хандацларнинг вентилляция схемаси:

™ J S S S

жойла.тирилади-

жиш вақтида совук шамолдан кам таъсирланиш учун нлож
•борича узунасига шарадан гарбга караб жойлаштирилади.

Махсулотнинг тури ва табиий шароитга караб уюм ва хандакнинг улчамлари турли хил булади. Лйшщса, уларнинг кундаланг кесими мухим ахамиятга эга. Уюм ва хандакдарнпнг кундаланг кесими уларнинг сизимини ва махсулот ажратиб чпкаргап ис-сикликпн таркатиш чегарасини белгилайди. 41-жадвалда уюм ва хандакдарнпнг улчамлари зоналар буйича келтирилган.

41. Хандак ва уюмларнинг СССРнинг турли зоналари учун тавсия этилган улчамлари, м

Зона	Илдизмевалар ва картошка учун			Карам учун		
	эни	чуқурлиги	узунлиги	эни	чуқурлиги	узунлиги
} \ анда ^ лар						
Жанубий	0,6—1,0	0,5—0,6	5—10	0,4—0,6	0,4—0,0	5—8
Рарбий	0,8—1,2	0,6—0,8	8—15	0,6—0,8	0,6—0,8	8—12
Урта	0,8—1,2	0,9—1,2	10—15	0,8—1,0	0,8—1,0	10—12
Уюмлар						
Жанубий	1,2—1,4	0—2	12—15	1,0—1,2	0	8—10
Рарбий	1,5—2,0	0—0,2	15—20	1,4—1,6	0—0,02	10—12
Урта	2,0—2,2	0,2—0,4	15—20	1,8—2,0	0—0,2	10—12

Бизнинг зонамизда хандак ва уюмларнинг улчамлари гарбий ва урта зоналарга Караганда кичикрок булади.

Махсулотын жойлаш олдида «албатта» сараланади, ҳар бир уюм ва хандакга махсулотни бир куйдай вкойлаш керак. Айрим илдизмевалар сизими 20—25 кг ли яшивдарга жойланиб ҳам уюм ва дандакларга жойлаштирилади.

Вентиляцияни яхшилаш мақсадида уюм ва хандак буйлаб уртасидан 30X30 см улчамда кундаланг арицча қазиб, унга тахта панжаралар урнатилади. Ҳар 50—60 см оралатиб хаво суриш найларн урнатилади.

Хандак ва уюмлардаги махсулотлар музламаслиги учун усти беркитилади. Киши совук; зоналарда уларнинг усти калинрок килиб ёнилади. Ёмгир ва крр сувларини атрофга окизиш учун хандак ва уюмларнинг атрофда саёз арицчалар гъзилади. Саклаш даврида уюм ва хандакда мунтазам равишда кузатилиб бо-рилади. Чукканда ва ёриглар пайдо булганида дархол очиб на-зорат остнга олиниш лозим.

ДОИМ И И ОМБОРЛАР

Мева ва сабзавотларни саклаш технологиясини ривожлантиришда механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган омборхоналар куриш мухим ахамиятга эга-

Доимий (стационар) омборлар мева ва сабзавотларнинг турига, режалаштирилишига, хажмига, сацлаш системасига, махсулотларни жойлаштириш ва бошца бир цатор хусусиятларига цараб бир-биридан фарц цилади. Доимий омборхоналар мева ва сабзавотларнинг турнга цараб —, картошка, илдизмева, пиёз, карам ва мева сацлашга мослаштирилган булади. Бу махсулотларни сацлаш шароити бир-биридан тафовут цилади ва уларни бир омборда сацлаш тавсия этилмайди.

Доимий омборхоналар сигими жи\атидан кичик, уртача ва катта булади. Кичик омборхоналарнинг сигими 100—200 тонна, уртача омборхоналарники 10 минг тоннагача, катта омборхонагтики 30 минг тоннагача булади. Катта сигимли омборхоналар* кичигига цараганда цурилиш ва ицтисодий жихатдан тежамли булади. Шу билан бирга махсулотни сацлашга сарф булган харажат хам кам булади.

Омборхоналарни режалаштиришда уларга транспортнинг кириб чициши ва цуцурлигини хисобга олиш лозим. Хозирги цуриланган барча омборхоналар автотранспорт бир томонидан кириб иккинчи томонидан чициб кетадиган цилиб цурилгани маъцул.

Омборхонанинг цуцурлигини белгилашда ер ости сувлари хисобга олинади. Бунда ер ости сувлари 2 метрдап паст булиши керак. Бизнинг шароитимизда асосан омборхоналар ярим цуцур ертула цилиб цурилади.


Мева омборхонаси махсулотни саралашда ёруг булиши учун ер устига цурилади. Энг оддий мева омборлари цаторига оддий ертула киради.

Оддий ертула цуруц ердан цуцурлиги 1 метр цилиб цазилади. Усти ёйилиб, ён томонларига тахта цоцилади ёкн ёнинг терилади. Ичига деворлари буйлаб сукчаклар урнатилади. Ертуланинг узунлигига цараб х^аР 3,5 метр жойга биттадан йугонлиги 10X10 см ли вентиляция найлари урнатилади. Сараланган мевалар яшикларга соллнган ёки сукчакларга тукилган холда сацланади.

Баъзан ертуланинг цуцурлиги 1,5 метр, эни 4 метр, узунлиги сацланадиган меванинг турига цараб х^аР хил булиши мумкин. Унинг усти ёйилиб, деворлари гиштдан териб чицилади ва вентиляция найлари урнатилади. Бу ерда хам махсулотни яшикда ва сукчакда сацлаш мумкин.

Ер устида цурилган омборлар бир цаватли гиштли иморат булиб, уларнинг девор ва шиплари пукак, ципиц, цамиш ва бошца материаллардан тайёрланган плиталар билан цопланади. Омборлар шамоллатиб туриш учун махсус цувурлар билан жихозланади. Полни тахтадан цилиб, улар орасида тирцишлар цолдирилади. Булмани пол орцали ташци хаво билан шамоллатиб туриш учун цопцоцли туйнукчалар цилинади.

Омборхоналар икки цаватли цилиб хам цурилади. Бунда унинг биринчи цавати ертула, иккинчиси ер усти цаватидан иборат бу-



25-расм. Омборхоналарнинг вентиляция системаси:
 А — табиий; Б — сунъий; В — актив вентиляция.
 1 — маъсулот; 2 — оқова каналлар; 3 — хаво найлар;
 4 — вентиляторлар.

Г

лади. Уларда ертула ва ер усти омборхоналарининг афзаллик-лари уйгуштирилган.

Омборхоналарда маъсулот сақлаш учун зарур муҳитни улардаги вентиляция системаси орқали вужудга келтирилади. Омборхоналарнинг вентиляция системаси табиий ва сунъий булади. Сунъий вентиляция системасига актив вентиляция ҳам кирилади.

Табиий вентиляцияда хаво иссиқлик конвенцияси қонуни бўйича ҳаракат қилади. Қизиган хаво кенгайиб, сийраклашиб юқорига кутарилади ва уз ийтида совуқ, зич хаво оқими истага тушади. Омборхона ичидаги хавонинг таъширидаги хаводан фарқи хавонинг ҳарқат тезлигига боғлиқ. Табиий вентиляциянинг самардорлигини ошириш учун сутқанинг қулай вақтларида омборхона шамоллатилади. Хавонинг совуқ ийтиларида эса активча маъсулотни совуқ урмаслиги учун омборхонанинг туйнуқлари берқитиб қуйилади.

Сунъий вентиляцияда асосан турли хил вентиляторлардан

фойдаланилади. Бунда махсулотни сацлаш режимный маълум даражада бошқарниш имкониини тугилади. Омборхоналарга хавони х^аВДаш вентиляторларга уланган хаво хайдаш ва хаво суриш найлари орқали амалга оширилади. Сунъий вентиляция билан жихозланган омборхоналар купинча катта х^аж^мли булади.

Омборхоналарга х^ав⁰ °Р ости каналлари орқали баб-баравар тарқатилади. Бу ерда махсулотлар яшиқларда, контейнерларда ҳамда бошқа идишларга солинган х⁰да сацланади. Бунда махсулотни шупдай жойлаштириш керакки, вентиляторларнинг хаво суриш қувватини жойланган барча махсулотларни совитиш имкониини берсин. Шу билан бирга махсулотларни юклаш ва тушпришни механизациялаштириш имкониини булиши лозим.

Актив вентиляцияда хаво оцими кучли булиб, махсулотнинг хар бир донасини оралаб утади. Натижада сацланадиган махсулотнинг барча нуцталарида бир хил х^аР°Рат, намлик ва хаво таркиби булишига эришилади. Бунда махсулотни совитиш. исутиш ва цуритиш самарадорлиги бир неча марта ортади- Махсулотнинг уз-узидан цнзиб кетиш ва терлаш жараёнларига чек цуйилади.

